



**ТРАНСПОРТ
ХИЗМАТИДАН
МАМНУНИСИСИЗ?**



**МУСТАҚИЛЛИК
ОЛИЙ НЕЪМАТ!**




**ОБОД
ЮРТ
КЎРКИ**



**ЯХШИ ДАМ —
МЕХНАТГА
ҲАМДАМ**



СЕШАНБА



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 152 (9.955)

2003 ЙИЛ 5 АВГУСТ

**ПОЙТАХТНИНГ
Дир Кўни**
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

- **БУГУН** «Антикор» корхонасида «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими томонидан «Конституция — асосий Қонунимиз» мавзусида йиғилиш ўтказилди.
- **КЕЧА** Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасида ИИББ бирлашган тахририяти ходимларининг Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари билан учрашуви ўтказилди.
- **АЙНИ** кунларда пойтахтимиз туманларида истикомат қилаётган кўриш қобилияти суст инсонларга халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда туманлар ижтимоий таъминот бўлимлари ҳомийлигида кўзойнак, қумматбаҳо линзалар берилмоқда.
- **ЖУРНАЛИСТЛАРНИ** қайта тайёрлаш халқаро марказида Конрад Аденауэр жамғармаси билан ҳамкорликда уюштирилган «Тезкор ахборот тайёрлашнинг муҳим аҳамияти» мавзусидаги семинарда газеталарда фаолият юритаётган журналистлар иштирок этишди.
- **ШАҲРИМИЗДАГИ** 5-автокорхонада «Тошшаҳарйўловчитаранс» Давлат уюшмасининг олти ойлик иш якунлари ва келгуси режаларига бағишланган ҳисобот-йиғилиши бўлиб ўтди.
- **ТОШКЕНТ** шаҳар Тадбиркор аёллар уюшмасининг йиғилишида мазкур уюшма қосидаги Бизнес клуб аъзоларининг тадбиркорлик сирларини янада пухта ўрганишлариغا имкон яратиш масалалари муҳокама қилинди.
- **ҲИНД** маданият марказида миниатюра жанрида ижод қилаётган rassom Абдуҳаким Каримов асарлари кўргазмаси намойиш этилди.

**Тошкент шаҳар
ҳокимлиги Матбуот
хизмати
ва ўз мухбирларимиз
хабарларидан.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Миллий маънавият, маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар негизда юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шухрати ва шарафини юксалтиришга ҳамда унинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб намуна кўрсатаётган ёшларни рағбатлантириш мақсадида:

«Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 22 июлдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 8-сон, 195-модда) билан тасдиқланган Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 4 август

«Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони тўғрисидаги НИЗОМ (янги тахрири)

1. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан миллий маънавият, маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар негизда юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шухрати ва шарафини юксалтиришга ҳамда унинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб намуна кўрсатаётган ёшлар тақдирланади.
2. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонига номзодлар Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг қуйи ташкилотлари ва жамоатчилик томонидан тақдим этилади.
3. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг қарори асосида берилadi.
4. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан белгиланади.
5. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони ҳамда унинг гувоҳномаси тақдирланганларга тантанали вазиятда Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг раиси томонидан топширилади.
6. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони такроран берилмайди.
7. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони кўкракнинг چاپ томонига тақилади.

ХХҲ сағоси
Барча мақбаладан
олинган сўягги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. У Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишида мамлакатимиз раҳбари томонидан адлия идоралари олдида қўйилган вазифалар ижроси ҳамда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган режаларга бағишланди.
- Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг «Ўзэкспо-марказ» республика савдо кўргазмалар залида Эрон Ислому Республикасининг технологоялар, асбоб-ускуналар ва тайёр махсулотлар миллий кўргазмаси очилди.
- Наманган туманининг Тошбулоқ тумани марказида тўқимачилик махсулотларини чиқаришга ихтисослашган кичик корхона очилди. Бу ерда лафсан, атлас, тиббиёт пахтасини ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.
- Самарқанд вилоятидаги Фарход кўрғонига асфальт ишлаб чиқарувчи янги завод фойдаланишга топширилди. Энг муҳими шундаки, заводнинг Германиядан келтирилган асбоб-ускуналари экологик тоза ҳисобланади, ишлаб чиқилган газлар ва саноат чанги атропо-муҳитни ифлослантирмайди.
- Жиззах вилоятининг Ўриқлисой дам олиш масканида республика ёш ижодкорларининг аъъанавий Зомин семинари бўлиб ўтди. Уч кун давом этган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган ёш шоир ва ёзувчилар ижоди адабиётимиз даргаларининг синовидан ўтди.

Жаҳонда

- Шимолий Корея ядровий дастури бўйича музокаралар янги босқичга кирди — АҚШ ва Япония Шимолий Корея ҳукуматиға мамлакат ядровий дастурини тўқил тугатиши учун мустақил халқаро назирлар гуруҳини ташкил этишни таклиф қилди.
- Венада нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК)нинг навбатдан ташқари сессияси якунланди.
- Франция жанубида бир неча кундан буён давом этаётган ёнгинларға барҳам беришға кўмаклашиш мақсадида Россия Фавқуллода вазирлар вазирлигиға қарашли иккита «Ми-26» улкан вертолётлари ушбу мамлакатға юборилди.
- Бобур меросини ўрганувчи тадқиқотчи олимлар гуруҳи буюк шоир ва мутафаккир билан боғлиқ манбалар билан танишиш мақсадида ўзинчи экспедицияға отланишди. Улар Афғонистон ва Эронда бўлишди.
- Жиззахлик истеъодли шахматчи қиз Юлдуз Ҳамроқуллова Чехияда бўлиб ўтган халқаро шахмат фестивали «Сreht tour-2003» да биринчи ўрнини эгаллади.

Қадим заминнинг мангу наволари

Муסיқа санъатининг неча минг йиллар давомида одамлар қалбига юксак ва бегуб туйғуларни жо этиб келётгани, бу ёруғ оламини янада мунаввар этиб кўрсатувчи илохий мўъжизалиги барчамизға аён.

Президентимиз Ислому Каримов ташаббуси билан юртимизда бир неча йиллардан буён ўтказилиб келинаётган аъъанавий «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивали бунинг яна бир ёрқин далилидир. Миллий муסיкамизни тарғиб қилиш, соҳада эришган ютуқларни намойиш

этиш, санъат олами янгиликларидан жаҳон муסיқа ихлосмандларини бохабар қилиш мақсадида ўтказиб келинаётган ушбу фестивалнинг нуфузи йил сайин ортиб бораётир. Миллий муסיқа аъъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қал-

бида санъатға мухаббат туйғуларини камол топтириш, чин инсоний қадриятларни тараннум этишда ушбу тадбирнинг аҳамияти бениҳоят катта. Мазкур муסיқа байрами халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маъна-

вий-маърифий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтиришда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат этаётир. Миллий аъъаналар ва замон руҳини ўзида мужассам этган бу санъат анжумани ер юзидаги турли халқларнинг маънавий олами, орзу-интилишларини ифода этар экан, бугунги мураккаб даврда кишиларни дўстлик ва ҳамкорликка чорловчи эзгулик минбарига айланаб бормоқда.
(Давоми 2-бетда).

Иқтисодийёт

Буюртма асосида хорижга

Пойтахтимизда фаолият юритиб келаётган «GRINTEK» корхонасида замонавий технологиялар асосида тайёрланган экологик тоза маҳсулотлар нафақат ички бозоримизда, балки узоқ хорижда ҳам ўз мижозларини топганига аниқ бўлади.

Мазкур корхона Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти билан ҳамкорликда самарали иш олиб боради.

— Корхонамиз ичимлик сув ва ҳавони тозаловчи асбоб-ускуналар технологияларини яратишга махсус ихтисослаштирилган, — дейди унинг раҳбари, техника фанлари доктори, профессор Равшан Хайдаров. — Ранг-баранг турдаги жиҳозларимиз экологик тоза технологиялардир. Дунёдаги АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Хиндистон, Малайзия каби давлатларнинг мустақил илмий ташкилотлари томонидан тестлардан муваффақиятли ўтганлиги ҳам «GRINTEK» маҳсулотларининг юқори сифатидан далолат ҳисобланади.

Тошкент, Навоий, Гулистон шаҳарларидаги корхона, ташкилотлар ва яқна тартибдаги фуқаролар корхона буюртмачилари ҳисобланади. 2000 йилдан эътиборан тadbиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотларини АҚШ, Германия ҳамда Жанубий Корея давлатларида экспорт қилишмоқда.

Корхонанинг «IVK-1» — авто-ручка ҳажмидаги жиҳозининг ўзи 10 тонна ичимлик сувини касаллик манбаи ҳисобланган бактериялардан тозалайди. Жумладан, «FBK-23», «IVK-21» русумли ускуналар ҳам ичимлик сувини тозаловчи, «FBK-22» ва «FBK-31» каби қурилмалар эса ҳавони тозаловчи сифатли, рақобатбардosh маҳсулотлардир.

Маҳсулот турлари кўпаяди

Ўз маҳсулотлари билан ички бозоримизга дадил, «ширин қадам»лари билан қириб келган «Сладкий мир» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси кексалар-у бола-жонларни бирдай хушнуд қилиб, дастурхонимиз кўрки бўлмоқда.

Мазкур корхона яқиндагина ўз фаолиятини бошлаганига қарамай, тadbиркорларнинг унумли саъй-ҳаракатлари, изланишлари туфайли 8 турдаги бир-биридан мазали, хушбўй, чиройли ва тўйимли печенье-лари шахримиздаги дўконларда сотилмоқда. Замонавий технологиялар шарофати билан ишчилар маҳсулотларининг ҳар хил ҳажм ҳамда шаклда бежирим қадоқланишига ҳам эришмоқдалар.

Хом ашёнинг бир қисми — юқори сифатли, озиқ-овқат саноатида синалган маргарин ва шакар россиялик ҳамкорлар томонидан келтирилиб, харидор-бop печенье-лари ишлаб чиқаришга эришилди. Қўшма корхона жамоаси маҳсулотлари сифатини ошира бориб, унинг турларини кўпайтиришни ўз олдларига мақсад қилган ҳолда иш юритмоқда.

Муҳаддас УМАРБЕКОВА

Қадим заминнинг мангу наволари

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шарқ мусиқаси — Шарқ фалсафаси, умуман, дунё маданият-маърифий таракқиётининг узвий бир қисmidир. Унинг ҳақон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюк. Шу маънода мазкур фестивал дунё маданиятига маънавий озиқ бериб, умумбаъшарий қадриятларга муносиб ҳисса қўшаётир. Жаҳон жамоатчилиги қалбидан муносиб жой олган ушбу халқро аянқуман янги ташаббусларга, яъни дунё микросида Шарқ мусиқасига бағишланган қўлаб анжуманларнинг ташкил этилишига ҳам туртки бўлмоқда. Унинг ЮНЕСКО шафёлигида ўтказилаётгани фикримизнинг яқол далилидир.

Бу йил тўртинчи марта ўтказиладиган ушбу мусиқий байрамга ҳали тadbир бошланишидан анча илгари жаҳоннинг қирққа яқин мамлакатидан иштирокчилар қатнашиш истагини билдиргани бунинг оддий исботидир. Ушбу фестивалнинг ҳар сафар миллий мусиқа санъатимизнинг муайян йўналишига бағишланиши унга янада жозибадорлик, ўзига хослик бахш этади. Жумладан, бу йилги фестивал миллий мақом санъатимизга бағишланади. Tadbир доирасидаги театрлаштирилган дастур ва Гала-концертда ҳам ана шу жиҳатлар ўз аксини топади.

Шу кунларда Самарқанд шаҳрида ушбу фестивални юқори савияда ўтказиш учун тайёргарлик ишлари авжида. Мусиқа байрамининг шаҳар туман ва майдонларида ташкил этиладиган тadbирлари юқори ташкилотчилик руҳида ўтишини таъминлаш борасида барча чора-тadbирлар кўрилатир. Халқаро илмий анжуман бўлиб ўтадиган жойни ҳозирлаш, меҳмонларни қутиб олиш, жойлаштириш билан боғлиқ ишлар тайёргарлиги кўрилатир. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган фестиваллар тарихининг инobatта олган анжуман ташкилотчилари асо-

сий эътибор ва саъй-ҳаракатни бу галги мусиқа байрамининг ҳар қачонгидан ҳам бетакрор ва ниҳоятда гўзал ўтишига қаратмоқда.

Фестивалнинг театрлаштирилган мусиқий дастурига юртимиздаги энг фаол ижодий жамоалар жалб этилган. Асосий тadbирлар ўтадиган Регистон майдонида сахна ва амфитеатр қуриш, шаҳарни бадиий безаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу кўна майдондаги асосий сахна атрофи халқимизнинг анъанавий турмуш тарзи манзаралари билан, она заминимиз саховатини, меҳнаткаш, қўли гул замондошларимиз ижодини намойиш этишни ноз-неъматлар билан бойитилиб, янада файзли ва кўркем тус олади.

Саҳаларни безаш, замонавий овоз кучайтириш, ёритиш воситалари ўрнатилди. Шаҳар анжуман мусоабати билан янада чирой очиб, ўзгача файзу тароват касб этмоқда.

Авадги анжуманлардан фарқли ўлароқ, бу гал халқро мусиқа байрамига жаҳоннинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган бадиий жамоалар, таниқли санъаткорлар ҳар кун Регистон майдонида ўтадиган «Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун» танлови дастуридан ташқари, қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳри ҳамда унинг атрофидаги Ўرғут, Самарқанд, Тайлоқ туманлари боғларида, истироҳат масканларида ўз санъатларини намойиш этади.

Юртимизда ўтказилажак халқро мусиқа фестивали тафсилотлари сунъий йўлдош воситасида қўлаб давлатларга узатилади.

Бир сўз билан айтганда, тўртинчи халқро мусиқа фестивали хозирбадор мусиқий дастурлар, самимий учрашув ва мулоқотлар, анжуманлар, давра сўхбатлари, санъат кечаларига бой бўлади.

**Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ**

• БУНЁДҚОРЛИК

«Ўзуйжойжамгармабанк» давлат акционерлик уй-жой жамғарма банки Тошкент шаҳар бўлими Юнусобод филиали буюртмасига кўра «Тошгипрогор» мутахассислари лойиҳаси асосида Шайхонтоҳур туманидаги Генерал Узоқов кўчасида шинам ва замонавий уйлар қад ростламоқда. Ушбу 4 қаватли 64 хонадонга мўлжалланган 4 та уйнинг бош pudратчиси «Ўйжойқурилиш» очик турдаги ҳиссасдорлик жамиятининг 2-қурилиш конвейери бошқармаси бунёд-қорларидир.

Муносиб совға бўлади

Ушбу жамоа томонидан бунёд этилаётган турар жой бинолари кўпчилигининг эътиборини қозониб, ўзгача қурилиши, сифати ва алоҳида қулайликлари билан ажр-қалиб туради.

— Кўчада қад ростлаётган уйларда 150 нафарга яқин 8 та бригада бунёдқорлари меҳнат қилмоқда. Меҳмонлар учун катта зал, бир неча ётоқхона, қулай ошхона, ёғги ва қишки айвонлар ва бошқа қулай шароитлар яшовчиларни мамнун этишига шубҳа йўқ, — дейди ункта иш бошқарувчиси Шухрат Аҳмедов. — Қурилиш материалларининг сифати ҳам қураётган уйларимизнинг мустаҳкам ва кўркемликка муҳим ҳисса бўлади.

Айни дамларда қурилиш майдонида ишлар ниҳоятда етиш арафасида. Уйларни тиклаш, пардозлаш ишлари тугатилган. Бунёдқорлар томонидан биноларнинг ҳаддемай фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда. Бу курувчиларнинг яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами арафасида ҳамшаҳарларимизга катта совғаси бўлади.

Шаҳло ҲОШИМОВА

Ўзбекистон Дарё ва транспорт агентлигидан олинган маълумотларга қараганда, Тошкент шаҳри бўйича бор-йўғи 412 тагина энгил автомобилга аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳуқуқи эга экан. Бундан кўриниб турибдики, шаҳар транспорт хизматини янада яхшилаш ва ундаги ноқонунийликларнинг олдини олиш учун ҳали кўп ишлар қилишимизга тўри келади. Чунки бундай камчиликларни бар-қарафт этмасдан туриб, аҳолига транспорт хизмати кўрсатадиган корхоналарнинг ишини яхшилаб бўлмайди. Иккинчидан, бюджетга тушиши мумкин бўлган қанчадан-қанча маблагларнинг четда айланishiга сабаб бўлади. Мана бунга оддий бир мисол. Бугунги кунда авто-транспорт корхоналарида қарашли бўлган битта такси ҳайдовчисига ойига 520 миң сўм атрофида нақд пул топшириш режаси белгиланган бўлса, шундан қарийб тенг ярми ер, йўл, даромад, экология сингари унга яқин турдаги солиқларга тўланади. Шулардан келиб чиқадиган бўлсақ, ноқонуний фаолият кўрсатаётган авто-транспорт турларини тартибга солиш ниҳоятда муҳимдир.

Ҳўш, тизимда ана шундай ноҳалол рақобатчилик юзага келган бир шароитда давлат тизимига қарашли бўлган ҳиссасдорлик жамиятларида аҳвол қандай? Биз саволимизга жавоб олиш мақсадида «Чуқурсой 1-таксомотор парки» ҳиссасдорлик жамиятида бўлдик.

— Ростини айтсам, бундан тўрт-беш йиллар аввал юзага келган бундай рақобатдан анча эсанқираб қолгандик, — дейди мазкур жамият раиси Баҳодир Султонов. — Сабаби корхонадаги мавжуд барча турдаги авто-транспорт воситалари эскирган, фойдаланиш мuddатини ўтаб бўлган эди. Табиийки, бундай аҳволда хусусий сектор тизими билан рақобатлашиб бўлмасди. Шунда корхонамиз жамоаси «Тошшаҳрийўловчитранс» Давлат уюшмаси маъмурияти билан ўзаро масхалашган ҳолда ишни дастлаб мулк шаклини ўзгартиришдан бошлади. Натихада мав-

жуд маблагларнинг асосий қисми корхона ишини тиклашга йўналтирилди. Энг асосийси, республикамизда биринчилардан бўлиб, ўзимизда ишлаб чиқарилган «Тико» автомобилни такси сифатида эл хизматига чиқаришга муваффақ бўлдик. Орадан кўп ўтмай, шаҳар бўйича эълон қилинган тендерда ҳам биринчи ўринни эгаллаб, 351 миллион сўмлик имтиёзли кредит олишга эришдик. Шундай қилиб, бир пайтлари ишчи-хизматчиларига зўра маош толиб берадиган корхона аста-се-

га «такси»чилар ҳар қадамда бисёр. Нима қилиш керак? Корхона мутахассисларидан иборат гуруҳ ана шу саволнинг ечимини топиш мақсадида йўналишлар бўйича тadbирчилик ишларини олиб чиқаришди. Кузатувлар шунинг кўрсатдики, хусусий транспорт эгалари қалин қор, серёғин кунлари йўналишга деярли чиқмайди. Шунингдек, улар эрталаб, кечқурун, яъни одамлар айни ишга боришайотганда ва қайтишайотганда йўловчилар хизматига бисёр бўлиб туришадими, одамлар бекатларда сийрақлаша бошлади-

«кўннинг расмини чизиб кетишди». Бунинг устига уларга пул бўлса бас. Шундай қилиб, корхона мутахассислари хусусий секторнинг айнан ана шу охиш томонларидан фойдаланиш зарур деган хулосага келишди.

Қандай қилиб? Ўйлаб кўрилса, бу иш унчалик муаммо эмас. Фақат, белгиланган жадвалга қатъий амал қилиш ҳайдовчиларнинг асосий шioriларидан бирига айланиши лозим. Токи йўловчи ишдан эрта қайтадими, кечми уни шу йўналишдаги авто-транспорт қутиб турган бўлсин. Бунда аввало, йўловчиларда ушбу йўналишда қатнайдиган транспортларга нисбатан ишонч ортади, Унинг

• ТРАНСПОРТ ИЗЛАГАН
ИМКОН ТОПАДИ

жадвалга риоя этсанг, рақобатга бардор берсан, — дейди «Чуқурсой 1-таксомотор парки» ҳиссасдорлик жамияти жамоаси



Мутахассисларнинг қузатишича, республикамизда рақобат юқори чўққига чиққан тармоқлар ичиде аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тизими савдо соҳасидан кейинги ўринни эгалларкан. Айниқса, мамлакатимизда мулк шакли ўзгариб, соҳага хусусий секторнинг келиб қўшилиши бу борадаги рақобатни янада авж олдириди. Пировадда аҳолига намуналий транспорт хизмати кўрсатиш даражаси бирмунча яхшиланди. Бу, албатта, яхши. Аммо сўнги пайтларда бу иш билан шахсий автомобиль эгаларининг ҳам ноқонуний равишда шугулланаётгани ва арзимеган чойчака деб транспорт тизимига ўзига яраша зарар етказаятганлиги кишини ташвишлантиради.

кинлик билан қаддини тиклай бошлади. 1998 йилга келиб, илк мартаба номинал қиймати миң сўмлик бўлган ҳар бир акцияга 240 сўмдан дивиденд тарқатилди. Бу кўрсаткич йил сайин ортиб бормоқда. Албатта, корхона жамоаси бу билан чекланиб қолганича йўқ. Корхонадаги мавжуд техникаларни тўлилагича қайта янгилаш мақсадида банкдан уч мартаба кредит олишга тўри келди. Айни чоғда ана шу олдига тўри эвазига корхонада 85 та «Тико», 10 та «Матиз» ва 50 та «Отайўл» микроавтобуси шахримиздаги ўндан ортиқ йўналишлар бўйича аҳолига намуналий хизмат кўрсатмоқда.

Албатта, корхона қаддини тиклагач, мавжуд муаммолар ҳам ўз-ўзидан бартараф этилган бўлса керак дерсиз. Асло. Юқорида таъкидлаганимиздек, корхона ҳайдовчиларининг нонини яримта қилади-

доимий мижозига айланади. Шулардан келиб чиқиб, йўловчиларга хушмуомала бўлиш, салонларни доимо озода тутиш ҳам ҳайдовчиларнинг асосий вазифасига айланди. Натиха эса қулаганидан ортиқ самара бера бошлади. Хусусан, бугунги кунда мазкур автокорхона пойтахтимиздаги турдошлари орасида қулик нақд пул топшириш, аҳолига намуналий хизмат кўрсатиш бўйича етакчи ўринлардан бирига чиқиб олди.

Дарҳақиқат, изланганга имкон ёр, деганларидек бугунги кунли рақобатчилик шароитида ҳам имконият қидирган жамоанинг истиқболи порлоқ бўлишига «Чуқурсой 1-таксомотор парки» ҳиссасдорлик жамияти фаолияти орқали ҳам хулоса чиқариш мумкин.

**Баҳодир ОСТОНАКУЛОВ,
СУРАТДА: бригадир Обид Иноғомов ишга отланмоқда.**

• БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ, КАМ БЎЛМАЙМИЗ!

Мен ўз умримнинг анча қисмини истиқлолни кўмсаб, юртимизнинг қарамликдан кутулиб, ёруғ кунларга етишни кутиб ўтказганман. Албатта, шўро замонида бундай орзуларни ошқор қилиш мумкин эмасди, кўнглингда шунақа истаклар борлигининг ҳиди чиқса бас, оёғинг эрга теқмасдан, тегишли жойга олиб бориб кўядилар. Лекин шунга қарамай орзу қилишни тўхтатмасди. Айниқса, икки-учта энг синашта, энг яқин дўстлар халқнинг аҳволи оғир экани, ўзбек дехқони «миллион жўякларга таралиб яшаётгани», саратон дошқозонининг ичига тушиб пахта етиштираётгани, лекин бу оғир меҳнатнинг самараларидан ўзи баҳраманд бўлмаётгани, косаси оқармаётгани, бўзчи белбоққа ёлчимай умр кечираётгани тўғрисида кўп гаплашардик. Лекин бундан нарига ўтишга кўрқар эдик.

1991 йилнинг 31-августиди, ниҳоят, биз орзиқиб кутган кун келди — Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис минбаридан туриб, бутун дунё эшитиладиган баланд овозда Ўзбекистон Муスタқиллигини эълон қилди. Бутун элнинг тўлдириб ўтирган депутатлар учун бу сира кутилмаган бир гап бўлди, шекилли, улар хатто дабдурустдан унинг маъносини тузукроқ илғаб ҳам олмадилар, хатто ўринларидан турмадиларми, бўлар-бўлмасга пол тепиб, гулдурас қарсақ чақиб юрган одамлар бу гал лоқал чапак ҳам чалмадилар. Буларнинг бари ўша кезларда телевидениедан намойиш қилинарди. Депутатларнинг Ватанимиз тарихининг энг юксак, энг ардоқли, энг орзиқиб кутилган палласини бундай қарши олганларини кўриб биз ҳам роса хайрон бўлган эдик. Президент «Чапак чалмайсизларми? Нега индамай ўтириб-сизлар?» дея хитоб қилганидан кейингина зал бирдан сесканиб уйғонгандай бўлди, депутатларга жон кирди ва бу буюк, унутилмас тарихий воқеага муносиб гулдурас қарсақлар янгради.

Ушанда Ўткир Ҳошимов билан бирга Бешарикдаги санаторийда дам олаётган эдик. Қани энди ўшандаги қишлоқ зиёлиларининг, ўқитувчилар, шифокорларнинг, водийнинг ҳар хил жойларидан келган турли касбадаги, турли ёшдаги эркак-аёлларнинг хурсандчилигини кўрсангиз! Ҳаммининг юзиди табассум, ҳамма бир-бирини олқишлаган, бир-бирига яхши тилаклар билдирган, ўз-ўзидан давра олиниб, ашула-ўйиндан бошланди, бир зумда аллақандак қиздириб олиб келинган чилдирманнинг гиж-банги ҳаволарни титратди. Хатто санаторийнинг мутасаддилари ҳам эриб кетди. «Бор-е» деб ўша кунни ҳаммага ош тортиди. Мана, шунга ҳам кўз очиб юмгунча ўн икки йил бўлипти. Кўхна бобо тарихнинг тоши билан ўлчайман десангиз, унда бу муддатни тортиб кўришга ярайдиган бирон кичкина тош топилмас керак, эҳтимол, уни аптекачининг мисқоллаб дори тортадиган кичкина тарозиларида тортиш мумкин бўлар. Лекин бир одамнинг қаричи билан ўлчасангиз, ўн икки йил ҳам унчалик кичкина муддат эмас — ўртача одам умрининг олтидан ёки еттидан бир қисмини ташкил қилади. Аммо ҳар нима бўлганда ҳам, босиб ўтилган шу йилларда қилиб угурилган ишлар нуктаи назаридан қаралса, улар бирдан улғур бир салобат касб этади, мазмунан жуда кенгайиб кетади. Қурилтишлар, бозор иқтисодиётига ўтиш, sanoat соҳасидаги силжишлар, олий таълим ва умуман таълим соҳасидаги ислохотлар, маънавият бобида тарихимиздаги унутилаёзган кадрларнинг тикланиши бобоклонимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг тарихдаги ўрнига қайтарилиши,

борган сари чирой очаётган, яшариб бораётган шаҳарларимиз... Эҳ-хе, айтаман деса, бутун бошли китоб ёзганда ҳам айтиб тугатиб бўлмайди. Ўтган ўн икки йилнинг яна бир муҳим, гоётда муҳим жиҳатини тилга олма бўлмайди — афсуски, бу йиллар дунёда тинчлик, оёсийшталлик йиллари бўлгани йўқ. Ҳали у китбада, ҳали бу минтақада тўпларнинг гумбурлаши, ракеталарнинг совуқдан-совуқ чийиллашлари, танклар ва самолётларнинг ўқиришлари эшитилиб турди. Хатто собик шўролар худудида ҳам қонли можаролар тўхтамади, етим қолган болаларнинг фарёди тинмади. Сайёра осмони яна қора булутларга чулғанди. Лекин бизнинг юртимиз бу қонли можаролардан, хатарли ёнгинлардан ташқари бўлди, кексаларнинг, халқнинг дуоси ижобат бўлиб, юртимиз осмони тоза турди, унда ҳар хил қора қузғунлар учиб, бошимизга кулфатлар ёғдирмади. Халқимиз аса тинчликни жуда қадрлайди, айрим муаммолар бўлса ҳамки, элурут омон бўлса, қонли урушлар бўлмаса, бола-чақаси омон, рўзғори

кага сўнги сафари вақтида рўй берган эди. Нью-Йоркда йирик давлат арбоблари, донгдор молиячилар, миллиардер бизнесменлар овқатланидиган ошхона бор экан. Мезбонлар Ислам Каримовни шу ерга олиб кириштипти — бу дастурдан ташқари бўлган экан. Залда уч юздан ортиқ одам овқатланиб ўтирган экан. Ислам Каримовнинг залга келгани баланд овозда эълон қилиниши билан ҳаётда унча-мунча президентларни менсимайдиган, уларнинг олдида бемалол овқатини қавшаб, сақичини чайнаб ўтираверадиган уч ўз одам ўринларидан салпич туриб, уни давомли қарсақлар билан олқишлапти.

Мен бу гапларни эшитганимда яна бир марта бир қоп семирдим — гўё ўша залда мен ҳам бор эдим-у Американинг мана-ман деган зодагонлари мени муборакбод қилиб қарсақ чалишган эди. Аслида ҳам шундай эдида — Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Президенти эди, у ўзбек халқининг вакили, шу халқнинг мухтор элчиси эди. Унинг шаънига янграган олқишлар айни чоғда ўзбек халқи-

ги турфа хил одамларни ўзига махлиё қилиш учунми? Йўқ! Менимча унинг асл мақсади бутун дунё аҳлига ўзбекининг кимлигини таништириш, дунёда Ўзбекистон деб аталмиш бир гўзал юрт борлигидан ҳаммини хабардор қилишди. Назаримда, у бу мақсадига тўла эришди. Эҳтимол, 12 йил ичида биз ҳали дунёда ривожланган эмас, ривожланмаётган давлатлар қаторида ҳам олдинги сафларга ўтиб олганимиз йўқдир. Эҳтимол, ҳозирча юртимизга келган ҳар хил меҳмонлар юртимизга қараб, «мунча қатишқосизлар?» дея таъна қилиб кетишганда асослари ҳам бордир. Ҳақиқатан, ҳам истиқлолимизнинг иқтисодий самаралари анча кечикиб келгандир. Лекин буларга чидаса бўлади, ҳадемай ёруғ кунлар, фаровон турмушга ҳам етишиб қоламиз. Аммо бугунги кунда Президентимизнинг инсоний жозибаси, гурури, ақли-заковати тўғрисида ўзбек халқини дунёнинг кўпгина жойларида ахши таниб олишди, у билан ҳисоблашадиган бўлиб қолишди. Энг муҳими аса бугунги ўзбек қаддини тиклаб олди, гурурини тиклаб олди,

биз дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, ва кам бўлмаслигимизни намойиш қилди. Кечаги эзилган, таққирланган, бўйни эгик, мискин ва бечора бир халқдан бобоклонимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг авлодларига муносиб гурури сарбаланд бир халққа айландик. Буларнинг бари бор-йўғи 12 йилда содир бўлди! Бу ҳазил гапми? Бу Мустақиллигимизнинг энг буюк самараларидан бири эмасми? Мен бу мақоламга «Истиқлол меъмори» деб сарлавҳа қўйган эдим. Бу иборани халқдан олган эдим. Яна ва яна ишонч ҳосил қиламанки, Ислам Каримов чиндан ҳам истиқлолимизнинг баркамол бўлиши учун чин юракдан қайғурадиган инсон экан. Минтақамизда янги шароит вужудга келгандан кейин ҳар хил объектив ва субъектив сабаблар билан экин қўшниларимиз билан орамизга совуқликлар тушди. Бу халқимизни ҳам, Президентимизни ҳам ташвишлантирмай қўймас эди. Чунки биз шунчаки жўн қўшнилари эмас, балки тарихий тақдирларимиз бир, дастурхонларимиз бир, тилимиз ва дилимиз бир хил халқлар эканлигини Президент яхши биларди. Биз бир-биримизга тўмайишиб, орамизга янги баланд деворлар қуриб ашай олмаймиз. Биз бир-биримизни узоқроқ кўрмасак соғинишиб қоламиз. Оллоҳнинг ўзи бизни яқин қўшнилар қилиб яратиб, насибамазни ҳам, қисматимизни ҳам бир-бирига яқин қилиб қўйган бўлса, ажаб эмас. Президентимиз бунга ҳам яхши билгандан, алоқаларимиз йўлидаги сунъий тўсиқларни олиб ташлаш борасида дастлабки қадамларни қўйди — Алматида бўлган сўнги саммит бунинг далилидир.

Истиқлолимиз 12 ёшга тўлмоқда. Мен бу ўринда унинг бир жиҳати, бир жиҳатини тўғрисидагина сўзладим. Бу гапларнинг ёнига қўшимча қилиб, фақат бир нарсани айтиш мумкин — Мустақиллик одамларни ўз-ўзидан неъматларга, фароғатга қўйиб ташлайдиган афсонавий нарсаси эмас. Истиқлол ёки Мустақиллик бир имконият, холос. Бу имконият тўғрисида, унинг неъматларидан тўла фойдаланмоқ учун, юртимизни том маънода гулистонга айлантирмоқ учун ҳар бир одам, ҳар бир фанқаро чин дилдан, ҳалоллик, фидойилик билан курашмоғи, меҳнат қилмоғи керак. Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримов раҳнамолигида! Ҳеч шубҳа йўқ — яхши ният эрим мол дейдилар, орзуимиз ушалажак, ёруғ кунларга эришгаймиз. Иншооо!

Озод ШАРАФИДДИНОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони

ИСТИҚЛОЛ ЖИЛОЛАРИ



тинч бўлса, Оллоҳга беадд шукурлар қилади. Ва... Президент Каримовни дуо қилади, унга зўдо йиллар сихат-саломатлик тилайди. Чунки билдики, буларнинг барига биз Президентимиз раҳнамолигида эришдик, унинг билимдонлиги, шижоати, доворақлиги, келажакка назар ташлай билиши, майда-чуйда нарсалардан устун туриб, узоқни кўзлай олиши ва ниҳоят Ватан деб, эл-юрт деб қуйиб-ёниб яшаш тўғрисида эришдик.

Яқинда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Орипов Япония сафаридан қайтиб келди. Сафар ҳақида у билан анча гаплашиб ўтирдик — у кўп нарса кўрипти, кўп одамлар билан учраштипти, кўп нарсаларга қойил қолди. Лекин уни энг хайрон қолдирган нарсаси тўғрисида гоётда ҳаяжонланиб, тўлқинланиб гапирди:

— Биласизми, — деди Абдуллажон, — мен дунёни кўп кездим, турфа хил мамлакатларда бўлдим. Лекин ҳеч қаерда Япониядагидек ўзбек халқига ҳурмат-эътиборни кўрганам йўқ. Улар хатто тарихимизни, тилимизни ўрганишар экан. Ўзбекча ўрганаётган япон ёшлари ўзбек билан унинг тилида бир-икки оғиз гаплашиш мақсадида хўзуримга келишди. Лекин японлар ўртасида ҳаммадан ҳам Президентимизнинг обрўйи катта экан, очикдан-очик суҳбатларда унинг Японияга ташрифини эслашиб, «Бунақа зўр давлат арбоби камдан-кам бўлади» дейишди.

Мен Абдуллажоннинг бу гапини эшитиб гурурланиб кетдим. Ўзим ҳам мақолаларимдан бирида ЮНЕСКОнинг аввалги раиси, жаҳонга таникли олим Федерико Майорнинг Парижда жуда муҳим сафарини кечкиртириб, Ислам Каримов билан учрашувга келиб, нутқ сўзлагани тўғрисида ёзган эдим.

Яна бир воқеани эсга олмай бўлмайди. Бу Президентнинг Амери-

нинг, менинг халқимнинг шаънига ҳам қилган эди. Бунинг учун ифтихор кингайи бўладими?

Беихтиёр 70-йилларда бўлган бир воқеа эсимга тушиб кетди. Ушанда биз — бир гуруҳ ўзбек ёзувчилари Тувага борган эдик. Шунда бизга бир вақтлар Туваннинг мустақил давлат бўлганини, лекин уни собик СССР ва Мўғулистондан бошқа ҳеч ким танимаганини, Қизал шаҳрида шу икки мамлакатнинг элчионалари бўлганини айтиб беришди.

Мен Тува халқини камситмоқчи эмасман, лекин ўзингиз ҳолисанимга айтинг — халқ учун бундан ортиқроқ хўрлик бўладими?

Шу 12 йил мобайнида Ислам Каримов жуда кўп вақт катта-кичик мамлакатларга давлат ташрифи билан бориб келди, у ерларда юзлаб давлат арбоблари, сиёсатчилар билан учрашди. Анча-мунча сиёсатчилар, бизнесменлар, давлат арбоблари Тошкентга келишди. Бу одамларнинг кўпчилиги ўзига бино қўйган, ўта мутақаб-бир, биров билан тузукроқ қўришишни ўзига эп кўрмайдиган, мабодо қўришмасликнинг иложи бўлмаса, қўлининг учини бериб, бош иргаб қўя қоладиган одамлар эди. Ислам Каримов шуларниқни ўзига ром қилиб, ўринларидан туриб қарсақ билан олқишлашга мажбур қила олган экан, умрида бирор меҳмонини қандай рутба эгаси бўлишидан қатъи назар қасрини эгшигидан нари кузатиб чиқмаган япон императорини кўчанининг оғзига қузатиб чиқишга мажбур қилган экан, демак, бизнинг Президентимиз чакана одам эмас экан-да! Ҳўш, Ислам Каримов нима учун «йўл азоби — гўр азоби» эканига қарамасдан машаққат чекиб бу сафарларга боради? Ўзининг ақл-заковатини, билимдонлигини, топқирлигини кўз-кўз қилиш учунми? Ҳар хил китъаларда-

Инсоният пайдо бўлибдики, ёруғликка, нурга интилиб яшайди. Ҳатто машҳур олимлардан бири сўнги нафаси чиқши олдидан: «Дераза пардаларини кўтариб қўйинг, ёруғ дунёни охири бор кўриб қолай», деган экан. Демак, одамлар барча замонларда ва ҳар доим ўз гўшаси ҳамда борлиқни мунававар ҳолда кўришга интиқилиб сезиб келган. Шу ўринда аллома адибимиз айтганидек, мозийга қайтиб иш кўришлик хайрлидир.

Тарихдан маълум — авлоду аждодларимиз давлат ўз уйлари эритишда турли шаклдаги шамчирок ёки мойга шимдирилган пиликлардан фойдаланишган. Кейинроқ шамдонлар ўрнини керосин билан ишлайдиган лампа чироклар эгаллади. Катта байрам тантаналари уюштирилаётган майдонлар эса гулханлар, машъалалар ёрдамида эритилган. Тошкентдек шаҳри азим марказий кўчаларини эритишда 1877 йилдан бошлаб ус-тунарлар ўрнатилган осма лампа (фонар) исчи-роқлардан фойдаланилган. Уларни керосин билан тўлдириб, эскирганларини янгилари билан алмаштириш, белгиланган вақтларда ёқиш ва ўчи-риш пудратчи томонидан амалга оширилган ҳамда назорат қилинган. Дастлабки ҳар бир қора чирок

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган сановат ходими Содиқжон Топилов бошчилиқ қилган ахил жамоа катта натижаларга эришди. Бунинг учун энг сўнги фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиб, шаҳарни эритиш технологияси ав-томатикаси ҳамда телемеханикаси хизматини та-комиллаштиришга тўғри келди ва бу жараён айни пайтда ҳам изчил давом этаётди. Рангли рекла-манинг йўлга қўйилиши, симобли, натрийли лам-паларнинг истеъмолда пайдо бўлиши, чироклар маржонининг ихтиро этилиши пойтахтимиз кўча-лари, хиёбонлари, марказий майдонлари кўрки-ни беқиёс оширди. Ун минглаб ранго-ранг чи-роқлар оғушидаги азим шахримизни тунда кез-ган киши хайратдан ёқа ушламасдан илоҳи йўқ.

НУРХОНАГА АЙЛАНДИ ЎЛКАМ

8 та шам қувватига эга эди. 1906 йилдан улар бир-мунча такомиллаштирилиб, қувват даражаси 700 шамга тенглашди. Лекин шун ташкидлаш жоиз-ки, ўша даврда мавжуд эритилган азим шаҳар учун денгиздан томчидек гап эди. Сабаби, имко-ният Тошкентнинг фақат марказий кўчаларини-на эритишга етарди, холос. Бошқа худудлар ке-чалари зимистонга айланарди.

Тарихга Октябрь тўнтариши номи билан кир-ган янги тўзум ўрнатилганда кейин ҳам шаҳри-мизни эритиш масалалари эътибордан четда қолмади.

20-йилларга келиб, шаҳар кўчаларининг фақат 6 фоизи эритилиши фикримизга далилдир. 1926 йилда республикамизда биринчи Бўзсув гидро-электр станцияси ишга тушган, бу соҳадаги му-аммолар ечимига йўл топиладиган бўлди. Бироқ, турли сабабларга қўра, шаҳарнинг электр қува-тига бўлган эҳтиёжи (1962 йил) бор-йўғи 25,6 фоизга қондирилган, холос.

1966 йилги Тошкент энлиласи республика пойтахтини тубдан қайта қуришдек долзарб ма-салани кун тартибига қўйди. Натижада янги ту-манлар, даҳалар, мавзелар, хиёбонлар, маданият ва истироҳат боғлари барпо этилди. Уларни эри-тиш масаласи жиддий қўйилган мураккаб шароитда «Тошкент эритиш» идорасига Содиқжон Топилов (охирати обод бўлин) раҳбар этиб тайин-ланди. У бу лавозимда 29 йил фаолият юри-тиш жараёнида ўзининг энг ибратли жиҳатлари — иқдор, меҳрибон ва айни пайтда талабчан, одамларга қайишадиган ва уларни ўз ортидан эргаштира оладиган, энг масъулиятли даamlарда турки, адолатли қарор қабул қила биладиган, та-шаббускор, ташкилотчи раҳбар сифатида пойтахт жамоатчилиги ўртасида чуқур ҳурмат, катта об-рўга мушарраф бўлди.

Ёз фаслининг жазирама иссиқ кунларида ҳамшаҳарлари-миз албатта соя-салқини гўшалар, маданият ва истироҳат боғ-ларию хиёбонларга, тоғ ёнбағирларига ошиқадилар. Шунинг-дек, шаҳримиз хуснига янада хусн қўшиб, муздек биллур том-чиларини ҳар ён сочиб каттаю кичикнинг қалбига хузур бағиш-лаётган мўъжизакор фавворалар олдида мириқиб хордик чи-қаришни хуш кўрадилар. Айниқса фавворалар атрофида завқу шавққа тўлиб яйраб ўйнаётган болажонларнинг қувон-чини айтмайсизми...

Ҳақиқатан ҳам ҳаммага бирдек ёқимли фавворалар жилоси ҳар ким-ни мафтун этмай қўймайди. Пойтахти-мизда биринчи фаввора бундан 112 йил илгари 1890 йилда Князь Рома-новнинг ҳашаматли саройида қурил-ган. Шундан кейин 1902-1903 йиллар-да қурилган (ҳозир республика амалий санъат музейи), 1930 йилда Бешёғоч-даги маданият ва истироҳат боғида, 1947 йилда Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театри олди-да, 1952-53 йилларда эса Хадра май-дониди, 1970-74 йилларда Мустақил-лик майдонида фавворалар бунёд этил-ди. Шундан сўнг Мустақиллик йилла-рида шаҳримизда бир қатор фавво-ралар барпо қилинди.


Шаҳримиз истиклол шарофати бил-лан кундан кун чирой очиб, обод ва кўркам жаннатмакон масканга айланиб

бормоқда. Айниқса чет эллик меҳмон-ларнинг бизнинг ўлкамизга қизиқи-шлари ва ҳаваслари ортиб бормоқда. Юртимизга ташриф буюрган меҳмон-лар албатта мафтункор ва оромбахш фаввораларимизни томоша қилиб су-ратга тушмай кетишмайди.

—Фавворалар шаҳримиз хусни ва кўрки бўлиши билан бир қаторда уларнинг яна кўплаб фойдали томон-лари бор,— дейди биз билан суҳбат-да «Шарқ шабада» очик акционерлик жамиятининг етакчи мутахассиси Ан-вар Ҳақимов.—Улар турвало инсон соғлиғига фойдали, яъни асаб тизими-ни мустаҳкамлайди, хузур бағиш этиб, чарқоқни ёзади ва яхши кайфият ба-ғишлайди. Иккинчи томондан эса кўп билан отилган фавворанинг биллур томчилари чор-атрофга салқинлик тар-қатади, табиатни мусаффо қилади,

• ХОРДИК

ОРОМБАХШ ФАВВОРАЛАР



• ДИЛДАГИ ГАПЛАР

ХИЁБОН ОБОДОНЛАШТИРИЛСА...

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, юртимизнинг қадими тарихи, бетакор обидлари, замонавий биноларини кўриш истагини билдираётган сайёх-ларнинг сонин кескин ортди. Уларни муносиб кутиб олиш унун шахримизда ва вилоятларда ободон-лаштириш ишлари олиб борилиб, йўллар кенгайтирилди, меҳмонхона-лар қурилди. Албатта буларнинг бари мақтовга аризулик ишларидир. Бироқ, шу билан бирга айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Бир мисол келтирмақчимиз. Шаҳ-

римизнинг қок маркази ҳисоблан-миш Отатўрқ кўчаси ёнида мўъжа-гина хиёбон мавжуд. Унинг Буюрқ кўчаси билан қесишадиган жойи атрофини айланиб ўтсангиз, бу ер-нинг пойтахтга тегишли эканлиги-га сира ишонгингиз келмайди. Чи-роқлар кесилиб, томирлари ағдари-либ ётибди. Чикиндилари — «б-б» келиб шу ерга ташлаб кет-... «б-б» да Марказий банк биноси, эн-гисиди «Демир» супермаркети ва Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театри, сал нарида эса «Тошкент» меҳмонхонаси жойлашган. Шунинг ўзи ҳам бу ерга хоржий меҳ-

монларнинг ҳар куни ташриф буюри-шидан далолат бериб турибди. Агар шу хиёбонга шаҳар ёки Ми-робод тумани мутасаддилари жид-дий эътибор беришиб, унинг атро-фини тозалашиб, ўртасига фавво-ралар ўрнатилса, бу ер пойтахтликлар ва шаҳримиз меҳмонларининг яна бир дам оладиган обод ва ораста мажзага айланарди. Зеро, обод ва ораста гўшаларда, гўзал боғ-роғлар-да хордик чиқариб дам олиш инсон-ларнинг баҳри дилини очиб, кайфи-ятини чоғ қилади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА



Янги уйлар шодийниси

Мустақилликнинг ўтган йилларида пойтахтимиз ҳақиқий бунёдкорлик май-донига айланди, десак асло муболага бўлмайди. Бунга бугунги кунда шаҳри-миз чиройини янада оширган, салобатини юксалтирган, кўзаларимиз кўриб қувнаётган, нафақат ҳамшаҳарларимизни, балки хоржийлик меҳмонларни ҳам лол этаётган гўзал биноларимиз ёрқин мисол бўла олади.

Замонавий ва шарқона кўринишдаги, бар-ча қулайликлар мужассам этилган турар жой биноларимизни, айтмайсизми. Ана шундай янги уйларга йилига юзлаб ҳамшаҳарлари-миз кўчиб ўтиб, шодийна уй тўйларини қувонч билан нишонлашмоқда. Кейинги йилларда шаҳримизнинг Ойбек, Нукус, Мух-бир, Генерал Узоқов, Амир Темура ва бошқа кўплар кўчаларида қад ростлаган иморатлар, яъни турар жой биноларида бахтиёр оил-лар яшашмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хо-надон эгаларининг талаб ва истақларига қараб ҳамда шаҳримиз чиройига, мухташш иморатларига мослаб бунёд этилаётган янги уйлар маҳоратли лойиҳачилар, гайрат-ши-жоатли курувчилар меҳнати маҳсулидир.

Ушбу суратда салобат тўкиб турган кўркам гиштли уйлар мажмуаси жорий йилда 32 та хонадон аъзоларига ажойиб совға бўлди. Уй нафақат ташки кўриниши, балки хонадон-ларда яшовчиларга яратилган қулайликла-ри, кенг ва ёруғ хоналари, пардозланиши билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада Тошкент шаҳрини қуриб обод қилиш ва қайта тиклаш институти лойиҳа усталари меҳнатини таъкидлаган ҳолда уйни «Габус»

курилиш инвестицион фирмаси буюртмаси асосида қурган бош пудратчи «KARDO» кури-лиш фирмаси бунёдкорлари ишларини ҳам айтиш лозим. Яйовчиларга яратилган қулай-ликлардан яна бири 7 қаватли уйнинг би-ринчи қаватида машийл хизмат ва савдо шо-хобчалари жойлашганлигидир.

Меҳнатинг маҳсулини кўриб завқланиш қандай яхши, — дейди фирманинг илгор бунёдкори Абдували Маммадалиев. — Нукус кўчасида тиклашга ушбу турдаги жой биноси нафақат яшовчиларнинг маънавий эъти, балки пойтахтимизга чирой бағишлайди, десам янглишмайман. Мана шундай биноларни тез ва соғ қуриш эса ўзимизни ҳам қувонтира-ди, касбимизга меҳрин оширади. Энг мухи-ми эса бунёдкорлик ишларини эл-ўрт фар-овонлиги, бахт-саодати йўлида олиб бо-рилаётганидан фахрланамиз. Ниятимиз халқимиз учун мана шундай уйларни кўплаб қуришдир.

Сирасини айтганда, Тошкентимиз яшанмоқ-да, ёшармоқда, тобора гўзаллиги ортмоқда. Бу борада эса оилалар фаровонлиги ва қувончи-га шерик бўлаётган янги уйлар бунёдкорла-рининг ҳам ҳиссалари беқиёсдир.

Дилноза ҒИЁСОВА



• ШАҲРИМИЗ ТАРИХИНИ ЎРГАНАМИЗ

МАҲАЛЛА ВА МАВЗЕЛАР ҲАҚИДА

КАМОЛОН — Бешёғоч даҳасидаги қадимий маҳаллалардан бири. Даҳадаги Дарҳон, Эшон-гузар, Янги маҳалла, Самарқанд дарвоза ва Гу-листон маҳаллалари билан чегаралош бўлган. Ҳўжақўча ва Фуқаро кўчаларига бўлинган. Ма-ҳалла худудида Камолон қабристони, қабри-стон худудида эса архитектура ёдгорлиги бўлмиш Ҳўжа Аъламбардор мақбараси бор. Нова, Қо-зиробод, Думбиробод ва Қоңқус каби мавзе-ларда деҳқончилик ва боғдорчилик билан шу-ғулланганлар. Асли Қомангарон (командарон) яъни қомонсоллар, кейинчалик оғзаки тили-мида Камолон талаффузида етиб келган.

Тошкентда ясалган ўқ-ёйлар бутун Шарқда «Қамони Шоший» номи билан машҳур бўлган. Узоққа отиладиган ва нишонга беҳато уради-ган қамонлар Шарқ адиблари асарларида таъ-рифланган. Жумладан, Заҳрирдин Мухаммад Бобур «Бобурнома» номи асариди Тошкент-да қамон ва қамон ўқи ясайдиган усталарнинг шуҳрати бутун вилоятга тарқалган. Улар патли ва патсиз қамон ўқларини ясаганлар, — деб ёзади. Ўша вақтларда қамон ва унинг ўқини ясаш маҳорати жуда қадрланган.

Шунингдек айрим ривоятларга кўра, фатҳ Қутайба Абу Муслим ва унинг сафдошлари ис-ломни ёйиш мақсадида VIII асрнинг бошлари-да Шош мулкига кириб келишган. Унинг саф-дошларидан бир гуруҳи — яъни қомил киши-лар Шошнинг ҳозирги Камолон маҳалласи деб аталувчи худудига жойлашадилар. Камолон, яъни қомил кишилар деб аталувининг боиси шундай деган фикрлар ҳам йўқ эмас. Албатта бу ривоят, ҳар ҳолда ҳақиқат дегани эмас.

Яна Камолон номи Мухаммад Солиҳнинг «Тошкентнинг янги тарихи» номи асариди қабили номи билан боғланса, Олим Қўчқўр-бековнинг «Жой номлари ҳақида» номи ма-қоласида қамалда қолганлар деган маънони ан-глатишни ёзади. Мухаммад Солиҳга тушуниш мумкин. Яъни ўша қабила қамонсоллик билан шуғулланиб, ҳозирги Камолон худудида макон топган бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо 1865 йил қор Россиясининг Тошкентни забт этиш учун бўлган ҳужумида фақат маҳалла эмас, бутун Тошкент 40 кун сувсиз ва очликда қамалда қолган.

ЧОРСУ — Бешёғоч даҳасининг энг қадимий маҳаллаларидан бири. Маҳалла сифатида II асрда мавжуд келган. Тихандимозор, Чуқурқ-ишлоқ маҳаллалари билан чегаралош бўлган. Унга шаҳарнинг ҳамма дарвозаларидан йўллар келиб туташган. Аҳолисининг асосий қисми ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғул-ланган. Ўрта асрлар Шарқ шаҳарларида икки йирик кўча кесишган жой «Чорсу» дейилган. Одатда бундай жойларда савдо расталари, ҳунармандларнинг дўконлари бўлган. Шунинг-дек «Чорсу» қадимий сўз бўлиб, зардуштийлар-нинг муқаддас китоби «Авесто»да «Човурсуқ» (тўрттомонлама) шаклида учрайди ҳамда бозор маъносини аниглайди. «Сук» сўзи араб тили-дан кирган бўлиб, «бозор» маъносини аниглаган. Кейинчалик бу сўзлар «Чохарсу» ва ниҳоят «Чор-су» шаклини олган. Форс тилидаги манбаларда «Чо-харбозор» (чорбозор) деган сўз ҳам учрайди.

Маҳаллада Тошкент булоқларидан энг машҳури Уккоша булоғи, Тошкент ҳаммом-ларидан энг йиринги ва шиғобаҳишлиги билан

ажралиб турадиган Бадалмат ҳаммоми бўлган (ҳозир бу ерда Чорсу меҳмонхонаси ва «ЖАР» спорт комплекси қурилган). Уккоша булоғининг сувни шиғобаҳш ҳисобланганлиги учун бу ерга махсус шийпон ва сув олиб ичиш учун махсус заранг қосалар қўйилган. Ёзининг иссиқ кунла-рида мешқопчилар булоқ сувидан олиб, бозор-да сотиб юришган.

1451 йилда Ҳўжа Аҳрор томонидан Жомеъ масжиди қурилган. Унда жума ва ҳайит намоз-лар, хутбалар ўқилган, диний маърузалар тингланган. Мустақиллик йилларида нураб қол-ган бу масжид бўзилиб, ўрнига янги замона-вий масжид қад кўтарилди.

1454 йилда яна Ҳўжа Аҳрор томонидан Жо-меъ масжидининг рўпарасида мадраса қури-рилган. 1460 йилларда Алишер Навоийнинг ус-този Абдурахмон Жомий Тошкентга келгани-да бир ой шу мадраса ҳужраларидан бирида яшаган. Уккоша булоғидан сув ичган. Шундан бошлаб мадраса ва булоқ муқаддас ҳисоблан-ган. 1954 йилда мадраса буздириб юборилган. Ғиштлири Жомеъ масжидини таъмирлаш иш-ларига ишлатилган.

16-асрда Қўқалдош мадрасаси қурилган. Мадр-аса Чорсу худудидаги Жомеъ масжиди ва Ҳўжа Аҳрор мадрасаси билан ўзига ҳоз меъморий ан-самблини ташкил қилган.

САҒБОН — Қўқча даҳасининг қадимий ма-ҳаллаларидан бири. II асрда мавжуд бўлган. Эски Жўва маҳалла ва бозори, Ачатов ва Қўнчи ма-ҳаллалари билан чегаралош бўлган. Маҳалла-нинг асосий кўчаси ва маҳалла ҳимоясидаги дарвоза номи ҳам Сағбон номи билан келган. Маҳалланинг асл номи Суқбон (суқ-бозор, бон-қоровул) бўлган. Чунки дашти Қипчоқдан ҳайлаб келинган отарлар, қорамол ва йилқи-ларни қўриқлаган ва бозорда жалоблик бил-дан шуғулланган кимсалар шу маҳаллада яшашган.

1847 йилги Қўқон хонининг ноиб Азиз пар-воначи зулмига қарши кўтарилган кўзғолон шу маҳалладан бошланган. Шойи тўқш устакон-сининг эгаси Мухаммад Абдуллоҳ кўзғолон-га раҳбарлик қилган. Абдулло Қодирининг ўғли Ҳабибулло Қодирий билан Абдулқосим мадр-асасида бўлиб ўтган бир суҳбатда у — отам ўзи-нинг «Ўтган кунлар» романидаги Юсуфбек Ҳожи образи мана шу Мухаммад Юсуф ҳожи тимсолида яратилганлигини айтиб ўтган эди, дея эслаганим.

Маҳалланинг бозорга туташ томонида кар-вонсарой, ҳаммом, «Москва катта мануфак-тураси»нинг савдо дўконлари, Россия тўқима-чилик фабрикасининг эгаси Савва Морозовга қарашли қонтора ва банк, (ҳозирги Табиат «Музейи биноси), шунингдек, савдогар Шамси Асадулла ўғлига қарашли савдо қонтораси (1911 йилда қурилган 2 қаватли бино ҳозир поликли-ника биноси) бўлган.

Сағбон атамасининг бу талқини шаҳар то-понимик комиссиясининг 1970 йил 22 апрель кўзга кўринган олимлари иштирокидаги йиғи-лишида маъқулланган талқин. Аммо айрим қадимшунослар бу атамани ўзгача талқин қи-ладилар.

Абдулазиз МУҲАММАДКАРИМОВ, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси, шаҳар топонимик комиссиясининг аъзоси.

• ГАЗЕТХОН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

НОМЛАР ВА ЖОЙЛАР ТАРИХИГА ҚИЗИҚАМИЗ

Ҳурматли тахририят ходимлари, Газетангиз саҳифаларида чоп этилаётган «Шаҳ-рим — фаҳрим» саҳифасига ўз фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Биринчилан ушбу саҳифада пойтахтимизнинг кўзга кўри-нган обид-ю мадрасалари та-рихи ҳақида қисқача маълумот бериб борсангизлар. Масалан, Қўқалдош мадрасаси, Чигатой

дарвозаси ва ҳоказолар. Иккинчилан шаҳримизда нима кўп — бозорлар кўп. Чорсу, Олой, Фарҳод, Аксия ва ҳоқа-зо... Аммо, бизлар уларга қўйил-ган номлар тарихи ҳақида ҳеч

қандай маълумотга эга эмасмиз. Кейинги саҳифаларда бу са-волларга бирин-кетин жаоб топишни истардим.

Нилуфар ҒУЛОМ қизи, Акмал Икромов тумани.

Дилороз ИКРОМОВА

«Тошкент оқшоми»

**ҲУҚУҚИЙ
МАСЛАҲАТХОНАСИ****Қонунга ҳурмат ва итлоаткорлик – ҳаёт мезони****(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)****(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)****5.15. Мерос ҳисобидан тўланиши лозим бўлган харажатлар****179. Қандай талаблар мерос ҳисобидан қаноатлантирилишига йўл қўйилади ва уни амалга ошириш ҳам навбат тартибидан ижро этиладими?**

Фуқаролик кодексининг 1155-моддасида бу хусусда қатъий қоидалар белгиланган. Шунга мувофиқ мерос ворислар ўртасида тақсимланишидан олдин:

мерос қолдирувчининг вафоти олдиндан хасталиги туфайли қилинган зарур харажатларни қоплаш тўғрисидаги талаблар;

мерос қолдирувчининг дафн этиш харажатларини қоплаш тўғрисидаги талаблар;

меросни эгаллаш, муҳофаза қилиш, бошқариш ва васиятномани ижро этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тўғрисидаги талаблар;

васиятномани ижро этувчи ёки мерос бошқарувчисига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тўғрисидаги талаблар мерос ҳисобидан қондирилиши лозим.

Бу талаблар мерос қиймати ҳисобидан бошқа барча талаблардан, шу жумладан ипотека ёки бошқа гаров тури билан таъминланган талаблардан олдин имтиёзли равишда қондирилиши керак.

5.16. Кредиторларнинг мерос қолдирувчининг қарзларини ундириб олиши**180. Мерос қолдирувчининг мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда меросхўрларга нисбатан муайян талаблар қўйишга қайси кредиторларни ҳақли ҳисоблайдилар?**

Мерос қолдирувчининг кредиторлари васиятномани ижро этувчига (мерос бошқарувчисига) ёки меросхўрларга мерос қолдирувчининг мажбуриятларидан келиб чиқадиган ўз талабларини қўйишга ҳақли. Бундай ҳолларда меросхўрларнинг ҳар бири ўзига теккан мол-мулкнинг қиймати доирасида солидар қарздорлар сифатида жавобгар бўладилар (**Фуқаролик кодексининг 1156-моддаси**).

Азиз китобхон, ёдинда бўлсинки, мамлакатимизда:

- **Вафот этган шахсга (мерос қолдирувчига) тегишли бўлган мол-мулкнинг бошқа шахсларга ўтиши ворислик ҳисобланади. Ворислик, биринчидан, васият бўйича, иккинчидан, қонун бўйича амалга оширилади**

- **Васият мавжуд бўлмаган ҳолларда ворислик қонун бўйича амалга оширилади. Васиятнома қисман ҳақиқий эмас деб топилса ёки мерос мулкнинг фақат муайян қисми васият қилинган бўлса, унинг ҳақиқий эмас деб топилган ёки васият қилинмай қолган қисмига нисбатан қонун бўйича ворислик амалга оширилади**

- **Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлиmidан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради**

- **Меросга оид ҳуқуқий муносабатлар мерос очилиши билан вужудга келади. Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади**

- **Мерос қолдирувчининг охириги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи деб ҳисобланади. Агар бундай жой номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк турган жой, унинг мулки бир нечта жойда бўлган тақдирда кўчмас мулкнинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса бошқа (кўчар) мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади**

- **Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида хомила ҳолида бўлган ва мерос очилганидан кейин туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлади**

- **Мерос очилган пайтда тўзатиб бўлган юридик шахслар, шунингдек давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин**

- **Мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни фақат суднинг ҳал қилув қарори билан нолайиқ меросхўр, яъни ворислик ҳуқуқига эга эмас, деб топил мумкин**

- **Меросхўрларнинг доираси, меросхўр бўлиш учун ворис мерос очилган пайтда ҳаёт бўлиши кераклиги боис, мерос очилганидан кейин аниқланади**

- **Мерос қолдирувчи билан қариндошлик муносабатлари бўлган шахслар – мерос қолдирувчидан туғилган фарзандлар ва уларнинг авлодлари, мерос қолдирувчининг ота-онаси ва бобо-бувиси, ака-ука ва опа-сингиллари, тоға ва амакилари, амма ва холалари ҳамда бошқа қариндошлари қонун бўйича меросхўрлар доирасига киради**

(Давоми бор)

Яқинда шахримизнинг сўлим гўшаларидан бири бўлган Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўзбек миллий кўшиқчилик анъаналарини янада оммалаштириш ва машҳур кўшиқчи санъаткорларимиз ижро йўлларини давом эттириш мақсадида «Қалбим наволари» номли ҳаваскор хонандаларнинг анъанавий иккинчи кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танлов Тошкент шаҳар Маданият ишлари бош бошқармаси ҳамда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи билан ҳамкорликда ўтказилиб, унда шахримизнинг барча туманларида ўтказилган кўрик-танлов ғолиблари бўлган хонандалар иштирок этдилар.

— Бу танловнинг бошқаларидан фарқи шундаки, ўзбек миллий кўшиқчилик анъаналарини янада оммалаштириш, халқ орасидан етишиб чиқаётган мумтоз кўшиқ ижрочиларига эътиборни кучайтириш, шунингдек хонандаларни овоз кучайтириш воситаларисиз, табиий овозлари билан ижро этиш услубларига кенг имконият яратишга ҳаракат қилдик, — дейди маданият ва истироҳат боғи директори Баҳодир Султонов. — Танлов шартига кўра иштирокчилар мумтоз ва халқ кўшиқлари, айтишувлар, лапарлар, ўланлар, мақомлардан парчалар ҳамда бастакорларнинг энг яхши асарларидан ижро этишлари керак эди. Ижроичига жўр бўладиган мусиқа


даста таркиби фақат миллий халқ чолғу асбобларидан иборат бўлди.

Танлов иштирокчиларининг ҳар бир чиқишлари соҳа мутахассисларидан иборат нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан саз ва овозларнинг уйғунлиги, анъанавий ижрочилик йўллари ва услублари, нафас ва овозни тўғри ишлатиш маҳорати, кўшиқ сўзларини тўғри талаффуз

қилиш, шеър ва ғазал маъносини аниқ англаган ҳолда ижро этиш ва саҳна маданиятига тўла риоя қилишларига қараб муносиб баҳолаб борилди. Боғга йиғилган санъат шайдолари хонандалар томонидан овоз кучайтиргичларсиз жонли ижро этилган ўзбек халқ миллий кўшиқларини завқ билан тингладилар. Танлов сўнггида ғолиблар аниқланди. Биринчи ўринга ҳушовоз хонандалар Музаффар Мирмахмудов ва Абдувахоб Одилов муносиб деб топилдилар. Иккинчи ўрин эса Қайюм Усмонов ва Ўткир Ҳасановга насиб этди. Ғолиблар шаҳар Маданият ишлари бош бошқармасининг Фахрий ёрлиқлари, ва Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи томонидан ажратилган эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, хомийлар томонидан таъсис этилган энг кекса қатнашчи, энг ёқимли овоз соҳиби, энг ёш қатнашчи учун рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Дилором ИКРОМОВА**• ТАНЛОВЛАР****ҚАЛБИМ
НАВОЛАРИ**

Бугунги кунда ўзбек миллий кўшиқчилик санъатига бўлган эътибор янада кучайди. Ёш хонандаларнинг мумтоз санъатимизга қизиқишлари, ихлослари тобора ошиб бормоқда.



Юртимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Футболмиз келажиги» турнири мусобақаларининг шаҳар босқичи қизгин паллага кирди. Мусобақаларнинг ўз ёш тоифаларига кўра шаҳар босқичида ғолиб бўлган жамоалар эса Республика босқичига йўлланмани қўлга киритиб, муҳим турнирга тайёргарлик кўрмоқдалар.

**• КЎРГАЗМАЛАР****«ЎЗБЕКИСТОН:
АНЪАНА ВА
ЗАМОНАВИЙЛИК»**

Ўзбекистон Бадий Академиясининг кўргазмалар залида Ўзбекистон Миллий Аxbорот Агентлиги, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадий Академияси, Тошкент Фото уйи ташаббуси билан Рустам Шагаевнинг «Ўзбекистон: анъана ва замонавийлик» фотокўргазмаси очилди.

Мазкур кўргазма муаллиф ишларининг дастлабки вернисажидир. Рустам Шагаев БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича комиссариати илтимосига кўра ҳеч қандай кузатувсиз Афғонистонда бўлган ижодий сафари давомида туркум фотосуратлар ва мақолалар тайёрлаган. Натижада унинг Афғонистонда тинч ҳаётни йўлга қўйишга бағишланган кўргазмалари ва «Афғонистон кундалиги» туркум мақолалари жамоатчилик эътиборини қозонган. Ушбу ишлар Комиссариатнинг 50 йиллигига бағишланган кўргазмада намойиш этилган.

Моҳир ижодкор асарларида ҳар доим меҳр-муҳаббат туйғулари, айниқса, болаларга ғамхўрлик туйғуси ифодаланади. «Болалар — бизнинг келажимиз» мавзусидаги кўргазма айнан шу туйғу туфайли муваффақиятли ўтди. Шунингдек, муаллифнинг «Жонажон пойтахтим», «Ағар соҳа мутахассислари майдони» экспозициялари ҳам жамоатчилик эътиборини қозонган.

Рустам Шагаев энг аввало инсон образи, дунёда содир бўлаётган воқеаларга алоҳида эътибор қаратади, унда Ватанининг буоқлиги, унинг қадимий маданияти ва бунёдкорлик руҳини ифодалаш туйғуси етакчилик қилади. Унинг қаҳрамонлари — деҳқонлар, ишчилар, давлат арбоблари, шифокорлар, рассомлар...

Юлдуз УСМОН

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб
Домо бўлур...

● Сукрот ҳақим айтади:

— Мен душманим бўлган бир одамга адоват қилмайман, адоват қилсам, душманнинг хусумати яна ҳам зиёда бўлади. Мен яхшилик билан муомала қилиб, душманнинг адоватини муҳаббатга айлантираман, уни ўзимга дўст қиламан.

● Луқмони ҳақим айтади:

— Саъй-ғайратсизлик — умид ва муваффақиятнинг кучини битирадиган бир мараздир, инсоният саодатидан маҳрум бўлиб, маъёсона яшаш — саъй-ғайратсизлик асаридир.

● Олимлардан М. Одил айтади:

— Ахлоқ тарбияси — ўзимизни ярамас майл-хаваслардан сақлаш, таъбиғийдаги олий фикрларни тараққий этиб, ҳаракатимизни тўғри бир нуқтага йўналтириш демакдир. Ахлоқ тарбиясининг гоёси — инсонларнинг ахлоқ жиҳатидан мукамал бўлишини таъмин этишдир, тарбиянинг бу қисми жуда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки инсондаги қобилиятларнинг энг мукамали — иш ва ҳаракат қобилиятидир. Бадан ва ақл тарбияси билан йўлдош бўлмаса, буюк бир фойда таъмин қилмайди. Ақл қуввати ва кескин фаҳм-фаросат ва закиликни ёмонлик йўлида истеъмол қилишга монъе бўладиган нарса — ғўзал ахлоқдир.

Айниқса ахлоқ тарбияси халқни роҳат ва фароғатда яшатади. Ахлоқсизликнинг бешариат жамиятига келтирган вайронликларини англаш учун миллатларнинг бир неча асрлик тарихларига кўз ташлаш kifоя.

Байт:

**Асли билсанг — нури
жондир тарбият,
Гавҳари ер, осмондир
тарбият.**

● Ўзига бино қўйиш ва манманлик — ақлсизликдир.

● Шухратпарастлик ўзимиз лойик бўлмаган шон-шухратга бевақт эга бўлишга уринишдан бошқа нарса эмас.

● Кимки ўзини хурмат қилмаса — у бахтсиз, аммо ким ортиқча манманликка берилса — у тентак.

● Ўзингга ишонмай туриб, даҳлиқнинг орзу қилма.



● Ўз ўрнини билиш инсоннинг ўзлигини таниши демакдир.

ҚИССА. Қора қарга оқ қозонни қўриб, у каби оппоқ бўлишни истади. Ўз уясини ташлаб, бир қўл соҳилни мақон айлабди. Бир неча йиллар қора қарга оқ бўлиш мақсадида шўр сувда чўмилибди, лекин фойдаси бўлмади.

ҚИССА: Киши ўзи эришган аҳволи билан қониқиши даркор. Тарвуз пўчогига дарахт баргидан елкан ўрнатиб, денгизда сузмоқчи бўлган суваракнинг тақдирини аёнлиги каби, ўз мартабасига қарамасдан иш тутаётган кишининг келажаги ҳам равшандир.

БАЙТ:

**Умид қилма бўлсанг
аслида нопок,
Қора намат ювилса
хам бўлмас ок.**



• КЎРГАЗМАЛАР

«САРАТОН»ГА
МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ

Шу кунларда Тошкентдаги Замонавий Санъат марказида самарқандлик rassomларнинг «Саратон» деб номланган кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазма лойиҳасининг муаллифи санъатшунос, Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси Ирина Булкина бўлиб, у Ўзбекистондаги Очиқ Жамият Институтини Кўмак Жамғармаси ёрдамида «Санъат ва Маданият, Кичик грантлар» дастури маблағи асосида ташкил этилди.

Кўргазманинг «Саратон» номи билан аталиши бежиз эмас, чунки Н. Истомина, В. Иванов, А. Шербаковлар ижоди самарқандлик rassomлар санъатининг кучли ва муҳим томонларини ўзида мужассам этади.

Ўқорида номлари қайд этиб ўтилган rassomлар Тошкентда ҳали танилиб улгурмаган, уларнинг ҳар бири пойтахтимизда ўз асарларини жуда кам намойиш этишган. Шунга қарамасдан, жўшқин ранг қурилиши, чуқур ички драматизм билан сугорилган rassom Алексей Шербаковнинг асарлари ва ранглар мутаносиблиги ҳамда яхлитлиги ила йўғрилган Владимир Ивановнинг нафис композициялари киши диққатини ўзига жалб этади.

Ҳайкалтарош ва кулол Нина Истомина эса турли яши ва техникаларда асарлар яратди. Rassom металл, ёғоч, шамот ва анъанавий кулолчиликдан дастохли ва маҳобатли асарлар яратишда ўринли фойдаланади. Мазкур экспозицияда Н. Истомина ижодининг ўзига хос қўриқини кулолчилик техникасида безакдор пластика орқали намойиш этади.

«Саратон» кўргазмасидаги Н. Истомина, В. Иванов ва А. Шербаков каби rassomлар ижоди орқали тошкентлик санъат илҳосмандлари Ўзбекистон тасвирий санъат мактабининг серкирра жилolari, янги йўналишлари билан ақинроқ танишишга муваффақ бўлишмоқда. Rassomларнинг яратган асарлари санъатшунос, мутахассислар ва томошабинларда шубҳасиз катта қизиқиш уйғотмоқда.

«Саратон» кўргазмаси 20 августгача давом этади.

Раҳматхон АКМАЛОВ

СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар

БОҒЛАРДА КЎНГИЛОЧАР
ТОМОШАЛАР

Ёзнинг жазирама қўшли кунларида, оромгоҳлар, серсоя, салқин боғлар одамлар билан гавжум бўлади. Айниқса ёшлар ва жажжи болажонларнинг хандон кулгуси-ю шодон қийқиқлари дам олиш масканларига янада жозоба ва қўрк бағишлайди.

Шаҳримиз туманларида ёшларнинг таътил кунларини янада мазмунли ва мароқли ўтказиши борасида қатор самарали ишлар олиб борилмоқда.

Акмал Икромов туманида-

ги «Бек», «Хумо» ашула ва рақс ансамбллари, «Кўнгило» театр студияси жамоаси Фарфур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида, «Ўзбекистон Миллий боғи»да, туман маҳаллаларида қизиқар-

ли учрашувлари, кўнгилочар томошалари ва жозоба куй-қўшиқлари, дилтортар рақслари билан дам олиш кунларию таътил вақтларини сермазмун ўтишига ўз хиссаларини қўшмоқда.

— Ниятимиз кексаю ёшнинг кўнглини чароғон этиб, қалбига завқ-шавақ улаштириш. Эеро, санъат инсонларни ҳаммиса эзгуликка ва яхшиликка чорлаган, — дейди туман маданият бўлими бошлиғи Илҳом Турсунбоев.

Гулчехра САТТОВА

• ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ

Қовун танлашни биласизми?

Ҳозир аини пишиқчилик. Шаҳар бозорлари дала ноз-неъматларига тўлиб-тошаётган пайт. Бундай пайтларда юртимиз бозорлари жуда жозибador бўлиб кетади. Киши меҳнатдан сўнг бўш вақтларида, дам олиш кунлари бозор айланиб, қовун ёки тарвузми, узум ёки шафтоллими харид қилиб, дастурхон атрофида оила аъзолари билан баҳам кўришни истади.

Ёз мавсумида қовун-тарвузга тўйишнинг саломатлик учун ҳам фойдаси катта. Бу неъматлар инсон организмнинг табиий глюкозага бўлган талабини қондириш билан бирга, ошқозонни, буйракни ювади, жигар фаолиятини яхшилайди, ичаклардаги ортиқча хилтни ҳайдайди.

Аммо кўп кишилар бозорда қовун-тарвуз танлашга қўйналишади. Сотиб олган маҳсулотим хом, бемаза чиқиб қолмасикан, деб иккиланишади. Бундай кишиларга деҳқонлар қовун-тарвузни чақмоқлаб беришни ҳам тавсия этадилар. Аслида буни ҳам яхши усул деб бўлмайди. Бунда полиз маҳсулотларининг таровати камаяди, унинг шарбати оқиб, уйга олиб кетишда қийинчилик туғдиради. Киши полиз маҳсулотларини танлашни билса бунга ҳожат қолмайди.

Ҳозир республикамизда 20 хилга яқин қовун, 10 хилга яқин тарвуз нави этиштирилган. Бу полиз маҳсулотларининг пишиб етилиш вақти ҳам ҳар хилдир. Масалан, республикамизда қовуннинг заркокил, амири, окқовун, оқуруғ, босволди, визилуруғ, киркма, дониёр, журақанд, умрибокий, бўриқалла, қорақўл, қўқтурна каби навлари, тарвузнинг эса «Ўзбекистон» (эртанги ва кечкиси), оқчинни, мармар, қўзивой, хайтқора каби навлари бор.

Одатда полиз экинларидан дастлаб май ойининг охирида хандалак пишади. Тарвузлардан биринчи бўлиб июнда эртани «Ўзбекистон», мармар тарвузлари пишади. Кечки «Ўзбекистон» нави асадда, яъни август ойида пишади. Қоратарвуз ҳам август ойи охирида етилади. Умуман асад тушгандан кейин пишмаган тарвуз ва қовун кам қолади.

Ҳўш, қовун ва тарвузнинг пишган ёки хомлигини қандай билиш мумкин? Бунинг энг осон белгиси шуки, пишган қовун оғир, тарвуз эса енгил бўлади. Бундан ташқари қовунларнинг оққовундан бошқиси дум беради. Яъни думи кўчи қолади. Оққовун эса сертўр бўлиб кетади.

Тарвуз пишганида енгил бўлишдан ташқари, ранги тозаланиб, тиниқлашади. У ялтара туради. Тарвузлар орасида энг ширини чинни тарвуздир. Асл чинни тарвузнинг уруғи майда бўлади. Ҳозир бу тарвуз нави республикада нимагадир тобора камайиб бормоқда.

Деҳқонлар тарвузнинг пишганини болдоғига қараб билишади. Унинг болдоғида кокили бўлади. Пишганида шу кокили қурибди.

Қовун ва тарвузни оқват олдиқдан ейиш лозим. Айниқса қовун егандан кейин албатта чой ёки шўрва ичиш мақсадга мувофиқдир.

Алиазар ЭГАМНАЗАРОВ

КАСАЛЛИККА
ҚАРШИ ДАСТУР

Тошкентда АҚШнинг «LAND O Laves» ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси, «ЎзгўштсутСаноат» акциядорлик уюшмаси ҳамкорлигида «Озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юқши мумкин бўлган касалликларга қарши кураш» мавзусида семинар ўтказилди.

«LAND O Laves» АҚШдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи йирик компания ҳисобланади. Юртимизда синов тарихидаги «Мактаб озиқ-овқат дастури» амалга оширилди. Дастурга мувофиқ АҚШ кишлоқ хўжалик департаментидан олинган қуруқ сут қайта ишланиб, Фарғона водийси мактабларида етказиб берилди. Мактаб бошланғич синф болалари витаминга бой сут ва печенелар билан таъминланди. Дастур Кашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона водийси мактабларида амалга оширилди. Ҳозирда навбатдаги лойиҳа юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Мазкур дастурга мувофиқ келтирилган қуруқ сутни қайта ишлаш «Ўзгўштсаноат» давлат акциядорлик уюшмаси тизимидagi қорхоналар томонидан амалга оширилади. Семинарда тақлиф этилган сут маҳсулотларини қайта ишлаш қорхоналари вакиллари иш жараёнида хавфсизликнинг таҳлили юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юқши мумкин бўлган касалликларнинг олдини олиш борасида тренинг машғулотлар ҳам ўтказилди.

«Туркистон-пресс»

Спорт

Азалий рақиблар тўқнашди

Бундан йигирма йиллар муқаддам футбол бўйича собик Иттифок биринчилиги олий лигасида «Пахтакор» ҳамда Қозоғистоннинг «Қайрат» жамоалари ўртасидаги учрашувлар мурасасиз ва кескин курашларга бой ўтиши билан ишқибозларни бефарқ қолдирмасди. Кўпинча Тошкентда «Пахтакор», Алматида эса «Қайрат» галаба қозонарди.

Кўни кеча Ўзбекистон чемпиониати иккинчи давра ўйинларига ҳозирлик кўраётган «Пахтакор» ўзининг азалий рақиб «Қайрат» билан Тошкентда ўзаро ўртоқлик учрашуви уюштирди. Ҳақиқатан ҳам шиддатли, хужумкор ва кескин курашлар остида ўтган баҳс йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Аммо меҳмонларга нисбатан аниқроқ ҳаракат қилган майдон эгалари рақибларини 2:1 ҳисобида енгишга муваффақ бўлишди.

Виталий Москвада

Футбол бўйича Россия чемпиониатида Москванинг «ЦСКА» жамоаси сафида муваффақиятли тўп сураётган собик пахтакорчи Александр Гейрихга ҳаваси келди, ҳарқалай, Ўзбекистон ўсирилар терма жамоаси аъзоси, иктидорли ҳимоячи Виталий Денисов ҳам Москва шаҳрига йўл олди. Ҳозирда Москванинг «ЦСКА» жамоаси мураббийлари кўригидан ўтаётган ёш футболчизига омад кулиб боқса ажаб эмас.

Неъматилланинг бахтли куни

Ўтган мавсумда мамлакатимизнинг етакчи — «Пахтакор» жамоаси таркибиде тўп суриб чемпионликини кўлга киритган моҳир футболчи Неъматилла Қуттибоевнинг айни дамда Қозоғистоннинг «Ордабасы» клуби аъзосига айлангани ашаддий футбол ишқибозларига маълум. Яқинда Неъматилланинг ҳаётида бахтли воқеа юз берди. Неъматилланинг она шахри Нукусда унинг никоҳ кечасига йиғилган яқинлари, дўстлари Қуттибоевга бахту содаёт тилашди.

Акбар Йўлдошев

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан Акбаркулова Зиеда Уматалиевна номига Давлат аттестация комиссиясининг 2000 йил 1-июлдаги қарорига биноан берилган ВМ 033464 рақамли Бакалавр даражали диплом йўқолганлиги сабабли


БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармасининг касба уюшмаси ва ишчи хизматчилар жамоаси, бошқарма бошлиғи Бахтиёр Акбарович МАМАДАЛИЕВнинг онаси

Мавжуда ҳожи она Зайтун ҳожи қизи МАМАДАЛИЕВНИНГ

вафот этганини муносабати билан марҳуманинг яқинлари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия ихлор этади

• ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ



МИРИҚИБ ДАМ ОЛИШМОҚДА

Пойтахтимизда ёз жазирамаси давом этмоқда. Шу билан бирга мактаб ўқувчиларининг энг сеvimли, энг катта таътиллари учинчи ойи бошланди. Ёзги таътилларида хушманзара, сўлим дам олиш масканларида сермазмун ва мароқли ҳордиқ чиқариш фарзандларимизга бир олам завқ-шавқ бағишлайди.

Маълумки, оромгоҳлар учун энг сўлим, соя-салқин, осуда, дарахтзору яшил буталар, оқар сувлар ҳамда харсанг тошлар билан қопланган тоғодли ҳудудлари танланади. «Тошкентмобель» акционерлик жамиятига қарашли «Шодлик» болаларни соғломлаштириш оромгоҳи ҳам хушманзара «Чорвоқ» сув омбори яқинида жойлашган.

Ушбу сўлим масканда бўлсангиз, юзкўзларидан қувноқлик ва завқ яққол кўриниб турган болажонларни катта спорт майдончаларида, чўмилиш ҳавзаларида ёки меҳрибон тарбиячилари билан биргаликда шўх-шодон ҳолда кўрасиз.

— Мен 12 йилдан буён мунтазам «Шодлик» соғломлаштириш оромгоҳига ёзги мавсумда катта тарбиячи сифатида ишлашга келаман, — дейди Юнусобод туманидаги 43-ўрта мактаб ўқитувчиси Елена Дурандина. — Мазкур маскан яқин-атрофдагиларидан майдони катталиги, сўлим ва салқинлиги билан ажралиб туради. Мактабдаги ҳамда бу ердаги педагогик фаолиятимни айрича тасаввур қилолмайман, уларни бирдай қадрлайман.

Оромгоҳда ҳаёт жуда қизгин ва тад-

бирларга тўла бўлиб, бу ерда доимо байрамона кайфият ҳукмрон. Ҳатто эртаклик йиғилишга ҳам болажонлар кўшиқ куйлаб борадилар. Ҳар кўни улар турли спорт турлари билан машғул олиб борадилар. Чунки бир смена давомида оромгоҳда анъанавий тарзда 3 кўнлик спартакиада мусобақалари ўтказилади. Жумладан, мавзуйли кечалар, кўрик-танловлар ҳамда театрлаштирилган байрам кечалари ҳам уюштирилади.

Масалан, «Ўзбекистон кўни»да — ҳазрат Алишер Навоий ёки бирор алломуларимизнинг ижодий меросидан намуналар ўқилса, «Маҳалла кўни» Обод маҳалла йилгига бағишланиб, болалар ўқувчилар истикомат қилаётган маҳаллардаги уларга ёқадиган ибратли оилалар ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, ўсирилар-у болажонларга бирдай сеvimли бўлган «Эртақлар кўни» ҳам жуда мароқли ўтади. Унда ҳамма қатнашчилар бирор эртақ қаҳрамониникига ўйлаш либосларини ўз кўллари билан тайёрлашга ҳаракат қиладилар, эртақдан саҳналар намойиши ҳам завқли ўтади. Фолиб бўлган гуруҳ болаларига совға-саломлар топширилади.

— 180 нафардан зиёд ўғил-қизлари-

миз 3-сменада соғломлаштириш оромгоҳида мириқиб дам олишмоқда, — дейди корхона ишчиси Тоҳир Розиков. — Яхши дам олган фарзандларимиз янги ўқув йилини ҳам кўтаринки кайфиятда бошлайдилар ҳамда баҳолари ҳам кўнгилдагидай бўлади. Халқимизда «Соғлом танда — соғ ақл» деб бежиз айтилмаган.

Оромгоҳда барча имкониятлар ишга солиниб бир неча тўғараклар мунтазам ишлаб турибди. Спортнинг волейбол, баскетбол, кўл тенниси, шахмат-шашка турларига айниқса, кўпчилик болалар қатнашмоқдалар.

Эътиборли томони, болажонлар соғлигини малакали шифокор назорат қилиб боради, кўли ширин, пазанда ошпазлар уларга турли-туман овқат ҳамда пишириқлар тайёрлаб беришмоқда.

Болаларимизнинг соғломлаштириш ва дам олиш мавсумлари кўнгилли ўтаётгани қувонarli ҳол, албатта. Бунинг учун «Шодлик»да барча шароитлар яратилган.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: оромгоҳдаги мароқли ҳаётдан лавҳалар.

Анжуманлар

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА РИВОЖЛАНАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуаси ва «Меҳр таянчи» Тошкент шаҳар оғир қаровсиз шароитларда бўлган болалар учун ижтимоий хизматни ривожлантириш маркази ҳамкорлигида «Алоҳида эътиборга муҳтож болалар: муаммо ва ечимлар» мавзuida конференция ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган ушбу анжуманда «Меҳр таянчи», «PIASC» ноҳукумат, нотижорат марказлари фаолияти, шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда шахримиздаги тиббиёт муассасаларининг оғир ҳаётли вазиятларда бўлган болалар билан олиб борилаётган ишлари бўйича мутахассислар маъруза қилдилар.

Анжуманда бугунги кунда болалар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва бу йўналишда олиб борилаётган профилактик ишлар борасида ҳам маълумот берилди.

Маълумки, «Меҳр таянчи» марказига қаровсиз қолган ва ишлайдиган болаларга ижтимоий хизматни ривожлантириш мақсадида Буюк Британиянинг «Save the Children» («Болаларни асраган») халқаро хайрия ташкилоти кўмағида 2002 йил асос солинган эди. Ушбу марказга Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан бино ажратилди ва таъмирлаш ишлари учун маблағ билан таъминланди.

2000 йилда расмий рўйхатдан ўтган «PIASC» нодавлат, нотижорат ташкилоти эса Буюк Британиянинг «Save the Children» ташкилоти патронажи остида ёрдамга муҳтож болаларга амалий ёрдам бериш мақсадида фаолият юритади.

Анжуманда шунингдек, меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болалар ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари: муаммолар ва уларнинг ечимларига тўхталиб ўтилди.

Конференция якунида мутасадди ташкилотлар томонидан қаровсиз қолган болалар тақдири билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Орзугул РУСТАМОВА



Абдурашул Ҳақимов чизган расм.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70; Эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма лавҳа офсет усулида босилади. 3871 нусхада босилди. Қозғоғ бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақамли болан рўйхатга олинган

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақдильнади.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.